







Дзюдо

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФАҚИЯТИ

Россиянинг Звенигород шаҳридаги Дзюдо академиясида Катта дубулга туркумига кирувчи йирик халқаро турнир ўтказилди.

Мусобақа голиблиги учун асосий даъвогар сифатида қараётган ҳамюртларимиз жамоаси таркиби куйидаги полвонлардан иборат:

сазовор бўлди. Мирали Шарипов эса бронза медали билан тақдирланди. Халқаро турнирнинг иккинчи куни эркаклар 81, 90, 100 ва 100 кг дан ортик вазнда, аёллар эса 70, 78 кг вазн тоифасида голиблик учун татамига чиқдилар.

Вазни 66 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида Мирзохид Фармонов дастлаб бельгиялик Кеннет Ван Гансбетни, кейинги баҳсларда канадалик Саша Мехмедович ва мўғулистонлик Мираягча Санжаасуренни мағлуб этиб, финалда дзюдо ватани вакили Такаё Мимофуми билан олтин медаллар учун баҳс олиб борди.

Вазни 73 кг гача бўлган полвонлар беллашувида Ватанимиз шарафини сўнги жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Наврўз Жўрақобиллов ва Мирали Шариповлар химоя қилишди.

Финалға қадар россиялик Адлан Бисултанов, озарбойжонлик Элмар Гасимов ҳамда мисрлик Рамазан Дарвишни енгган Рамзиддин ҳал қилувчи беллашувида мўғулистонлик Темуруллан Баттулгани мuddатдан олдин таслим этди.

Шу тариқа 3 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида бразилияликлардан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

Раббонакул МУХТОРОВ



САЛОМАТЛИК ЭСТАФЕТАСИ

Олмазор туманидаги «Намуна» болалар спорт мажмуасида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман таянч маскани, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, маданият ва спорт бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Саломатлик эстафетаси» деб номланди.

бирларига кенг кўламада жалб этиш, спорт турлари билан мунтазам шугулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чоратadbирларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури мамлакатимизда оғла, шу билан бирга ёшларга бўлган эътиборнинг кучайиб бораётганидан далолатдир.

Юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш йўлида зарур имкониятлар ва шарт-шароитларни яратиш, уларни ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чоратadbирларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури мамлакатимизда оғла, шу билан бирга ёшларга бўлган эътиборнинг кучайиб бораётганидан далолатдир.



ЯНГИ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИДА БАЙРАМ ТАДБИРИ

«Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остида ўтказилаётган махсус ҳафталикнинг чора-тадбирлар режасига мувофиқ, Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишлаб «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўрикзор» ихтисослаштирилган бозори МЧЖ Учтепа тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Ўрикзор» ихтисослаштирилган бозори ҳудудида «Бахтли болалик» шиори остида маданий-хайрия тадбирини ўтказди.

Тадбир иштирокчилари учун концерт дастури намойиш этилди. Болаларнинг янги қурилиб, фойдаланишга топширилган болалар майдончасидаги аттракционлардан бепул фойдаланиши, хордиқ чиқариши.

ланган оила фарзандлари ва Қизил Ярим Ой жамияти темирйўл минтақавий ташкилотли тизимидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларидан иборат жами 200 нафар болаларга байрам дастурхони ёзилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

ДАВРОН НУРМАТОВ СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар Козим Улмасов олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хабарномаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2012 йил 4 майдаги 25/37-сонли топшириқ хатига асосан шаҳримизда 10 майдан 10 июнгача «Газдан хавфсиз фойдаланиш ойлиги» ўтказилмоқда.

Газдан хавфсиз фойдаланиш ойлиги

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Ушбу ойликни ўтказишдан мақсад шаҳар ҳудудида табиий газдан нотўғри фойдаланиш натижасида портлаш, ёнғин чиқиши, ис газидан зарарланиш каби бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдир.

Бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабаблари газ истеъмолчилари хонадонларида газ тармоғига ўзбошимчалик билан ва резина ичак орқали ула-

ниш, ностандарт ва қўлбола газ асбобларидан фойдаланиш, газ асбобларини бир жойдан бошқа жойга кўчириш, газ асбобларини қаровсиз қолдириш ва уларни нотўғри ишлатиш, газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик бўлиб, улар оқибатида инсон саломатлигига ва оилалар моддий бойлигига катта зарар етказилади.

Табиий газдан фойдаланишда техника хавфсиз-

лиги қоидаларига риоя қилиш мақсадида, «Чилонзортумангаз» фойдаланиш хизмати ходимлари томонидан аҳоли хонадонларидаги мавжуд бўлган газ асбобларини тасдиқланган жадвал асосида тафтишдан ўтказиш ҳамда профилактика ишлари олиб борилмоқда.

«Чилонзортумангаз» фойдаланиш хизмати муҳандис-техник ходимлари томонидан маҳалла ва мавзеларда, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида «Газдан хавфсиз фойдаланиш» қоидалари ҳақида суҳбатлар ўтказилиб, аҳоли гавжум йиғилладиган жойларда, бозорларда шу ҳақда эслатмалар ва рангли кўргазмалар ўрнатилмоқда.

Қадрли ҳамшаҳарлар. Табиатнинг бебаҳо неъмاتي — табиий газдан омилкорлик ва тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш ва ишлатилган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир. Авария ҳолатлари рўй берган тақдирда дарҳол куйидаги телефонларга кўнғироқ қилинг: марказий авария-диспетчерлик хизмати — 104, 255-44-27.

Б.ШУКУРОВ, «Чилонзортумангаз» бош муҳандиси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Бошинг қотиб, қандай яшашни билмай қолсанг, ўзингни тақдир ихтиёрига топшир — ўзи раҳнамо бўлиб, бир йўл кўрсатади.

Камдан-кам дўстлик вақт синовидан ўтади.

Одамлар бировлар билан боғлиқ бирор нарсани назардан қочирмайдилар.

Нафс энг яқин одамларни ҳам бир-бирига душман қилиб кўяди.

Ўзида бўлмаган киши минг уринмасин, ҳаракатларининг сохталиги билиниб қолади.

Бировдан кутма мадад, ўзинг қилгин ҳаракат.

Одам ажратишдан ёмони йўқ.

Ишни қилган кўпинча чеккада қолиб кетади.

Кечиримлилик ҳам улуглик аломати.

Бу дунёда ҳар ким ўз ҳақиқатига суюниб, ўз ҳақиқатини химоя қилиб яшайди.

Хаёлинг бир жойда бўлмаса, ишинг унмайди.

Тирикчилик ташвиши Тугамайди ёз-қиши.

Яхши хотин хонадонни гуллатар, Ёмон хотин хароб қилар, қулатар.

Худбин ўзини севади-ю, ўзгани севаман деб ўйлайди.

Текинга ҳамма даъвогар.

Одамнинг ўзига ҳам кўп нарса боғлиқ.

Ёш ўтган сари ақл қуйила боради, кўнғил эса вазмин тортишни истамайди.

Зўраки обрў келтирар қайғу.

Кўпчилик имкониятлари билан ҳисоблашмай ўзини ноқулай аҳволга солиб юради.

Нафс хархашаси олдида гўдакники ҳеч нарса.

Орзуга айб йўқ дейдилар. Лекин бўлар бўлмас нарсаларни орзу қилишнинг ўзи айбдир.

Ҳамма ҳам бошқалардан фойдаланиб қолишга интилади.

Ҳар ким ҳам ўз ҳаёт тарзини ҳақ деб билади.

Хаёл — ақл ва кўнғил меваси.

Бировнинг бахтига ҳасад қилма, ўзинг ҳам бахтли бўлишга ҳаракат қил.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Advertisement for 'UZGIDROMET' with contact information and services provided.